

“АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”

Махмудова Зарина Илхомовна

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8397912>

Аннотация: Мустақил таълим фаолиятини такомиллаштиришда талаба ахборотнинг асосий қисмини мустақил ўзлаштиради. Талабаларга мустақил иш фаолиятини тўғри режалаштиришда ва иш вақтини унумли ташкил қилишда ёрдам бериш.

Калит сўзи: Талабалар ўқув предмети, реферат, моделлаштириш, Ахборотлашган таълим, индивидуал, режалаштириш.

Мустақил таълим фаолиятини такомиллаштиришда талаба ахборотнинг асосий қисмини мустақил ўзлаштиради. Шунинг учун талабаларга мустақил иш фаолиятини тўғри режалаштиришда ва иш вақтини унумли ташкил қилишда ёрдам бериш зарур. Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларда мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришни нимадан бошлаш кераклигини, мақсад қандай қўйилишини, шунингдек, иш қанча давом қилиши ва уни қандай усуллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги тушунчалар аниқ шакллантирилади. Муваффақиятга эришиш учун қуйидагиларга эътибор қаратилади: 1. Талаба ўз устида мунтазам ишлаш кўникмасини ҳосил қилиши учун фаолиятни пухта режалаштириши керак. Ҳар бир талаба индивидуал тарзда вақтини фанлар бўйича тақсимлайди. 2. Мустақил иш фаолиятини бажариш муддатини аниқ белгилаб олади. Мустақил иш фаолиятини бажариш учун вақтни семестр бўйича тақсимлаш керак бўлади. Амалий фаолият натижалари тахлили шуни кўрсатадики, мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг энг кенг тарқалган турларидан бири бу – реферат ҳисобланади. Талаба реферат мазмунида ўрганилаётган бирор мавзу моҳиятини кенг ёритиши лозим. Ахборотлашган таълим муҳитида математика фанидан ёзилган рефератни мукамал тайёрланиши учун ўқитувчи талабага муайян адабиётларни тавсия қилиши керак. Рефератни бирданига ёзиб бўлмайди. Матнни тайёрлаш учун аввал адабиётларни, интернетдан маълумотларни кўриб чиқиб, режа тузиши ва ёза бошлаши керак бўлади. Бунинг натижасида талаба ўз фикри, ғоясини ифодалашни ўрганади. Ахборотлашган таълим муҳитида математика фанидан мустақил иш фаолияти мавзуси фақат дарслик доирасидагина эмас, балки қўшимча адабиётлар, газета-журнал мақолалари ва интернет маълумотларидан ҳам фойдаланиб, ёзиши мумкин. Агар бирор муаллифнинг фикри мавзунини ёритиши алоҳида аҳамиятга эга бўлса, шундай кўчирилади ва қўштирноқ ичига олиниб, изоҳ берилади, рақамланади ва манба кўрсатилади. Унда ҳавола қилинган муаллифнинг исми-шарифи, асар номи, нашриёт, нашр қилинган йили ҳамда нечанчи саҳифада эканлиги ҳам кўрсатилади.

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил иш фаолиятини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотида талабаларни ўқитиш пайтида уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўллари кўрсатиш, мустақил иш фаолияти учун йўлланма бериш, олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришнинг муваффақияти талабанинг вақтдан тўғри фойдалана билишига, ақлий меҳнат маданиятини эгаллаш даражасига, кун тартиби қоидаларига амал қилишига ҳам

боғлиқ. Талабанинг вақт бюджетида аудиториядан ташқаридаги мустақил иш фаолияти учун haftасига 18-24 соат вақт бўлиши мумкин. Талабанинг бир кунлик иш вақти 9-10 соат бўлиб, шундан 6 соати аудиторияда; 3-4 соати бошқа жойда мустақил иш фаолияти шаклида ташкил этилади. Таълимнинг ягона ахборотлаштириш муҳитини яратишни қўйидаги асосий тамойиллар асосида ташкил этиш назарда тутилади: 1. Олий таълим учун яратилган давлат таълим стандартлари талабларини бажариши. 2. Таълим оловчилар учун мавжуд барча таълимий ресурслар, ўқитувчилар, ўқув жараёнини таъминловчи воситалар ҳақидаги ахборотларнинг очиқлиги. Бунинг учун зарурий таълимий ахборот муҳитини ташкил этишда, уларда жойлашган барча ахборот ресурслари Республикадаги барча олий педагогика таълим муассасалари учун очиқ бўлишига эришиши. 3. Талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олувчи таълим жараёни айрим босқичларининг ҳажми ва мазмунини танлаш ва унинг мослашувчанлиги, мазкур тамойилларни ўқув режаси ва дастурлари асосида амалга ошириш имкониятларининг мавжудлиги.

Хулоса

Олий таълим муассасалари хусусиятларидан келиб чиқиб, математика ўқув фанини ўқитишда талаба мустақил иш фаолиятини ташкил қилиш ҳолати ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилди ҳамда таҳлил қилинди. Талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган давлат таълим стандарти талабларини бажариш учун талабаларда мустақил иш фаолиятини шакллантириш, мустақил иш фаолияти бажарилишини назорат қилиш, ўқитувчи ва талабанинг аудитория ҳамда аудиториядан ташқари ишлари меъёрларини ишлаб чиқиш, мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган янги авлод ўқув-услубий адабиётларини, талабаларнинг мустақил иш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ишланмалар яратиш зарурлиги аниқланди. Бунинг асосида, “Математика” ўқув фанидан мустақил иш фаолиятининг ташкилий-услубий таъминоти такомиллаштирилди.

References:

1. Pihomovna M. Z. et al. Tibbiy Diagnostika Va Davolashda Zamonaviy Axborot Texnologiyalarni Tutgan O 'Rni //Miasto Przyszłości. – 2023. – Т. 31. – С. 174-176.
2. Махмудова З. И. и др. ТЕМА: РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИИ В ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ОТРОСЛИ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 33. – С. 164-169.
3. Berdiyevna A. S., Shokirovich X. S. Prospective Directions of Implementation of Modern Information Technologies in Education //Eurasian Journal of Research, Development and Innovation. – 2023. – Т. 17. – С. 7-11.
4. Maxmudova Z. THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN THE PHARMACEUTICAL INDUSTRY //International Bulletin of Engineering and Technology. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 52-54.
5. Махмудова З. И. и др. ТЕМА: РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИИ В ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ОТРОСЛИ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 33. – С. 164-169.
6. Pihomovna M. Z. et al. Modern Information Technologies in Medical Diagnosis and Treatment Position //Miasto Przyszłości. – 2023. – Т. 32. – С. 88-91.

7. Махмудова З. И. и др. ТЕМА: РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИИ В ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ОТРОСЛИ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 33. – С. 164-169.
8. Melitoshevich V. A., Alikulovich V. D. Development by a Graphic User Interface-Programs in the Tkinter Package Using Modern Pedagogical Technologies in the Field of Medicine //Miasto Przyszłości. – 2023. – Т. 32. – С. 13-17.
9. Voxidov D., Voxidov A. TIBBIYOT XODIMLARI RESURSLARINI BOSHQARISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYANING O 'RNI //Евразийский журнал медицинских и естественных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 114-120.
10. Berdiyevna A. S., Akramovna M. M., Olmasovna R. P. Research in the Process of Education of Medical Students Shaping Their Abilities //Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching. – 2023. – Т. 17. – С. 95-99.
11. Berdiyevna A. S., Akramovna M. M., Olmasovna R. P. Research in the Process of Education of Medical Students Shaping Their Abilities //Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching. – 2023. – Т. 17. – С. 95-99.
12. Abdullayeva S., Maxmudova Z., Xujakulov S. TIBBIY TA'LIMDA VR TEXNOLOGIYA //Евразийский журнал академических исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 1140-1144.
13. Vohidov D., Maxmudova Z., Sayfullayev R. TIBBIYOT YO'NALISHIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARINI QO 'LLAB TKINTER PAKETIDA GUI DASTURLARINI TUZISH //Евразийский журнал математической теории и компьютерных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 31-35.
14. Ismatullayevich N. N., Ilxomovna M. Z. Automation of Sanatorium Work: Reservation Service and its Structure //Miasto Przyszłości. – 2022. – Т. 29. – С. 65-67.